

## МУАММО НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

«Ishonch» gazetasi 2025 йил 18 февралдаги 22-сонда «Пидедалар йўлагига ким масъул?» сарлавхали мақола эълон қилинган эди. Унда Бухоро шаҳридаги Алломиш кўчасига қарашли автомобиль йўлида махсус йўлак йўқлиги сабабли пидедалар автомобиль йўлини кесиб ўтиб, ҳаётини хавф остига қўйишга тани ҳақида сўз юритилган. Мақолага Бухоро вилояти ҳокимлиги қўйидаги мазмунда муносабат билдирди:

Кўпқаватли уйларга туташ ҳудудларда ҳамда автомобиль йўллари бўйида ўзбошимчилик билан қурилган қурилмаларга нисбатан чора кўрилиши айтилган масалалар Кадастр агентлигининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан ваколат доирасида ўрганилгани натижасида қўйидагиларни билдиради:

Бухоро шаҳри ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар томонидан 56 та кўпқаватли уйларнинг туташ ҳудудларидан ўзбошимчилик билан эгаллаш ва қурилиш қилган ҳолатлари аниқланиб, 13 таси қўрилган чоралар натижасида ихтиёрий равишда бартараф этилган, шунингдек, 45 ҳолатда мажбурий бартараф этиш юзасидан Кадастр агентлигининг Бухоро шаҳар бўлими томонидан судларга даъво аризалари киритилган.

Бундан ташқари, умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларида мажбурий бартараф этиш ҳақида Агентликнинг туман, шаҳар бўлимлари томонидан судларга даъво аризалари киритилди. 31 та ҳолатда эса жисмоний ва юридик шахслар янгида кўчма енгил тилдаги қурилмалар ўрнатиб олишгани аниқланди ҳамда уларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, ихтиёрий бартараф этиш юзасидан ёзма кўрсатма хатлари берилди, белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда судларга даъво аризалари киритилиши маълум қилindi.

Кадастр агентлигининг Бухоро вилояти бошқармаси туман, шаҳар бўлимлари томонидан йўл бўйидаги ўзбошимчилик билан эгалланган ер майдонлари ва уларда қурилган объектларни бартараф этиш борасида доимий равишда ишлар олиб борилмоқда.

Бухоро вилояти ҳокими  
ўринбосари

Ж. АРАШОВ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Давлат  
хизматини ривожлантириш агентлигига!

## «Ishonch» САВОЛИ

### ҲАМШИРА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИМИ?

Кейинги вақтда даволаш-профилактика муассасаларига врач ва ҳамширалар ишга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги орқали қабул қилинаётгани кўпчиликда турли саволларни туғдирмоқда: «Тиббиёт ходими давлат хизматчиси? Улар қайси ҳужжат асосида АРГОС (нега агентлик ахборот портали русчаллиги бошқа масала) орқали ишга қабул қилинапти?»

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунда унинг амал қилиши Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилиши, давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Врач ва ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар. Демак, уларни ишга қабул қилишда АРГОСни араштираш мантиқан нотўғри ва мазкур қонунга зид.

Ҳар қалай, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз-ўзидан тиббиёт ходимини давлат хизматчисига айлантириш ваколатига эга бўлмаса керак?

Ғуломжон МИРАХМЕДОВ  
«ISHONCH»

Жавобини кутаётган саволлар >>> 4

## ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА  
ТАШКИЛОТИДАН, 17 МАРТ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА,  
23 451 ТАСИДА (63,3 %) МУКОБИЛЛИК АСОСИДА ХИСОБОТ-САЙЛОВ  
ЙИГИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ўТКАЗИЛДИ.



Муқобиллик мезони – ҳисобот-сайловларнинг энг ёрқин жиҳати сифатида эътироф этиляпти. Муҳими, жамоат ташкилоти сафи тазолиани, масъулиятни ҳис этадиган, жамоада етарлича мавқега, ташкилотчилик қобилиятига эга кадрлар билан бойиммоқда. Меҳнаткашлар номзодларни танлаш ва тавсия этиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишмоқда. Биргина Самарқанд вилоятида икки мингдан зиёд меҳнат жамоаларида ишлаётган юз минг нафардан зиёд меҳнаткашлар вакиллари ўз етакчилари фаолиятига баҳо бериб улгуришди.

### ИШЧИ-ХОДИМЛАР ТАФАККУРИДАГИ КАТТА ўЗГАРИШЛАР

– Жараённинг февраль ойига мўлжалланган илк босқичида 2300 нафарга яқин бошланғич ташкилотда етакчиликка даъвогар сифатида салкам тўрт минг нафарга яқин номзод кураш олиб борди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Акбар Абдусайдов. – Ҳисобот даврида жамоа меҳрини қозониб, ишончини тўла оқлай олган 800 нафар амалдаги касаба уюшмаси етакчиси кейинги муддатгача сайланишга муваффақ бўлишди. 240 нафари синовдан ўтолмади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида кўзга ташланаётган алоҳида жиҳатлар бор. Хусусан, меҳнаткашлар тафаккуридаги катта ўзгаришлар яққол сезилаяпти. Бугун улар кўрсатилган номзодга шунчаки қўл кўтариб овоз беришмаяпти. Ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, эртанги кунда ёнида тура билладиган, керак бўлса, иш берувчига ўз сўзини ўтказа оладиган, тили ўткир, сўзи кескир кишиларни танлаб олишга эътибор қаратишмоқда. Ана шундай синовларда 400 нафар хотин-қизнинг «қўли» баланд келиб, бошланғич ташкилот етакчилигига сайланди. 140 нафар йигит-қиз беш йиллик фаолияти давомида ишчи-хизматчилар меҳрини қозонолмаган расислар ўрнини эгаллади.

### ОБРЎНИНГ ўЗИ КЕЛМАЙДИ

«Каттақўрғон парранда» МЧЖ корхонаси бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши ўз-ўзини танқид қилиш руҳида ўтди. Касаба уюшма кўмитасини салкам чорак аср бошқарган Неъматилло Ҳайтов жамоа олдида ҳисобот берди. Албатта, паррандабоқарларга муносиб меҳнат шароити яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда жамоат ташкилотининг ҳиссаси кам эмас. Ишчи-ходимларга энг қийин пайтда касаба уюшмаси кўмитаси раиси тиргак бўлган. Мисол тариқасида 2020 йилни олайлик. Коронавирус пандемияси авж олган кезларда карантин сабаб иқтисодий жиҳатдан қийналган 16 нафар ишчи, 3 нафар автогараж ҳайдовчисига касаба уюшмалари томонидан моддий кўмак кўрсатилди. Касаллик инфекциясини юқтириб олган 5 нафар ходимга саломатлигини тиклаши учун етти миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Маданий-маърифий тадбирлар, туристик сафарлар, спорт мусобақалари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, муносиб меҳнат шароити яратиши, хуллас, барчасига касаба уюшмаси бош-қош бўлди.

– Фаолиятим давомида кимгадир фойдам теккан, ходимларни рози қилолган бўлсам менга бундан катта муқофот йўқ, – дейди Неъматилло Ҳайтов. – Буёғи жамоанинг хоҳиши. Кимни етакчиликка сайлашни уларнинг ўзларига қўйиб берамиз. Сайланмай қолсам ҳам сира хафа бўлмайман. Энг муҳими, фаолиятим қониқарли деб баҳоланди. Шунинг ўзи етарли.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида бошланғич ташкилот раислигига бир неча номзод тавсия этилди. Аммо ходимлар ўзлари билан кўп йиллардан буён елкама-елка бўлиб келаётган кадрдон етакчидан воз кечмадилар.

### «БИЗНИ ТАШЛАБ КЕТМАНГ, ЕТАКЧИ!»

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетидега бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам беш йиллик фаолиятига баҳо берилди. 671 киши ишлаётган жамоада муносиб меҳнат шароити яратилган. Жамоа шартномаси орқали биргина жорий йилда ходимларни рағбатлантиришга 5 миллиард 718 миллион 653 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

Кўп болали кам таъминланган оилалар, даволашни муҳтож ходимларга 93 миллион 900 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган. Ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, техника хавфсизлигини таъминлашдек ишлар рисоладагидек олиб борил-

моқда. Бу ерда ҳам касаба уюшмалари фаолияти қониқарли деб топилди. Энг мунозарали жараён етакчи сайловига бориб тақалди. Кўрсатилган номзодлар орасида бир неча муддат касаба уюшмаси кўмитасини бошқарган Ахназар Ҳосилбеков ўз номзодини сайлов бюллетенига киритмаслик илтимоси билан чиқди. Бошқа ишга ўтгани сабабли бу вазифани тарк этишга мажбур эканлигини билдирди.

– Жамоада катта обрў-эътиборга эга бўлган касаба уюшмаси кўмитаси раиси билан хайрлашиш бизга ҳам осон бўлмади, – дейди ходимлардан бири. – Аммо бу – ҳаёт! Ҳеч кимга вазифа боғлаб берилмаган. Бизга қолса, «Кетманг, етакчи!», деган бўлардик. Университет жамоаси яширин овоз бериш йўли билан Жаҳонгир Алладўстовни касаба уюшма кўмитаси раислигига сайлади.

### ЭНДИ ТОШМАТ, ЭШМАТГА ўРИН ЙўҚ

Бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаси раислари сайлови жараёнида кўмита таркиби ҳам шакллантирилмоқда. Сайловларда 5440 нафар кўмита аъзоси сайланиб, шунча нафар уларнинг «дублёр»лари тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги ҳисобот-сайловларда кўмитага ҳам тўғри келган одам номзоди қўйилмаяпти. Тўғри-да, кўмита аъзоси рўйхатида бўлган «ўлик жон»лардан кимга наф? Ҳамма ишни касабакўм қилиши керак, деган ҳайбаракаллачилар бундан кейин ҳам сиқиб чиқарилаверди. Энди жамоанинг доимий рўйхати бошида турувчи Тошмат, Эшматлар (рамзий маънодаги) эмас, балки саралаб, чертиб-чертиб олинганлар кўмитага аъзо бўлади.

– Бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловларда тавсия этилган 60 нафардан ортик кўмита аъзоллигига номзодлар етарлича овоз тўплай олишмади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Райхона Абдуллаева. – Бу масалада рўйхатбозликка бутунлай барҳам берилди. Сайлов жараёнида бир йўла кўмита аъзолари «дублёр»лар тасдиқланиши бежиз эмас. Баъзи ҳолатларда танлаб олинган «дублёр» кўмита аъзосининг вазифасини бажаришига ишонч билдирилмади.

Хуллас, касаба уюшмаларида «ғалвир сувдан кўтарилиши» қизгин кечмоқда. Бу жараёнда фаолиятга холис ва ҳаққоний баҳо беришга тўла-тўқис шароитлар яратилган.



Нурзулла  
ШАМШЕВ  
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба  
уюшмалари  
Федерациясида  
куну тун фаолият  
кўрсатадиган

# 1211

қисқа  
рақамли  
«Ишонч  
телефони»,  
яъни  
«Call-center»га

мамлакатимизнинг  
турли ҳудудларида,  
олис ва чекка  
қишлоқларида  
яшаётган  
хотин-қизлар  
ўз муаммолари  
бўйича исталган  
вақтда мурожаат  
қилишлари  
мумкин.





# «ЯНГИЛАР»

# АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИГИНИ ҚАНЧАЛИК ҲИС ЭТИШМОҚДА?

**КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛАРИ СОНИ ЎТган йилда ЕТТИ МИЛЛИОНЛИК УЛКАН МАРРАНИ БОСИБ ЎТДИ.  
БУ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ ВАКИЛЛАРИ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРМОҚДА.**

Хўш, шундай экан, сўнги икки-уч йилда касабани уюшмасига аъзо бўлган янги корхона ва ташкилотларда вазият қандай? Жамоа шартномалари тузилганми? Ходимлар аъзоликдан қай даражада мамнун?

Ушбу саволларга Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши таркибига кирган иккита янги корхона мисолида жавоб изладик.

Тармоқ касабани уюшмаси тизимидаги бошланғич касабани уюшма ташкилотлари сони 2024 йил якуни бўйича 404 тани ва аъзолар сони (пенсиялар, талабалар билан) 85533 нафарни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан бошланғич касабани уюшма ташкилотлари сони 29,5 фоизга, аъзолар сони 102,8 фоизга ошган. Жумладан, пойтахтимиздаги «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси» МЧЖ 2022 йил бошида аъзоликка қабул қилинган.

— Ушунда ташкилотда 30 нафар ходим бор эди, — дейди Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Юнус Ғафуров. — 2023 йилдан эътиборан ҳудудларда ҳам унинг таркибий бўлинмалари очила бошлади ва 2024 йилга келиб корхона ва унинг филиалларида меҳнат қилаётганлар сони 244 нафарга етди. МЧЖнинг жамоа шартномаси тасдиқланди. Унда намунавий жамоа шартномаларида кўрсатилган барча бандлар акс этган. Шу ўринда иш берувчилар ходимлар манфаатини ўйлаб киритган айрим бандларни алоҳида айтиб ўтишни истардик. Масалан, раббатлантириш, асосий ишдан озод этилмаган ҳолда фаолият юритаётган кўмитанинг штатдаги ходимларига



ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун касабани уюшмаси ҳисоб рақамига иш ҳақидан ўтказиладиган бадалдан ташқари иш берувчи томонидан бир фоиз миқдорда маблағ ўтказиш белгилаб қўйилган. Бу ўз ўрнида касабани уюшмаси имкониятларини кенгайтиради. Жумладан, ўтган йилнинг ўзига 50 нафар ходим Самарқанд, Бухоро ва Хивага саёҳатга борган бўлса, мунтазам спорт билан шугулланиш истagini билдирган 50 нафар ходим махсус секцияларга жалб қилинди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига кўра, агар ходим бир жойда, бир соҳада узоқ йил ишлаган бўлса, ҳар беш йил учун икки кундан (аммо 8 кундан ошмаган ҳолда) кўшимча таътил берилади. Жамоа шартномасида белгилаб қўйилса, ходимнинг олдинги бошқа соҳада ва ташкилотдаги узлуксиз иш стажига кўшимча таътил олишда ҳисобланади. Ташкилотда асосан дастурчилар ишлайди. Ва улар олдин ҳам шу ихтисослик бўйича ишлаган ва бу ерда ҳам аввалги ишни давом эттираётган бўлишлари мумкин. Бироқ ихтисодчи, ҳуқуқшунос, ҳайдовчи, фарош ва бошқа техник ходимлар илгари бошқа йўналишдаги корхонада ишлаган

бўсалар-чи? Меҳнат таътилига чиқаётганида улар олдин бошқа йўналишдаги корхонада ишлагани боис кўшимча таътил кунлари кўшилмайди. Аммо иш берувчи тармоқ келишувига асосан ана шундай илгари бошқа соҳада, бошқа ташкилот ва корхонада ишлаган ходимларнинг ҳам узлуксиз иш стажига меҳнат таътилига кўшимча таътил беришда иннобатга олинишни белгилаб қўйди. Корхона ходимлари уларнинг олдинги йиллардаги меҳнатлари ҳисобга олинаётганидан мамнун. Биргина ўтган йили 157 нафар ходим 6 кундан кўшимча меҳнат таътилига бўлди. Бир ходимга касабани уюшмаларидан қилинаётган сарф-харажатлар миқдори эса бир йилда 6 млн. сўмни ташкил этди.

Аъзоликка қабул қилинган янги корхоналардан яна бири «ONE-NET» МЧЖ бўлиб, унда 34 нафар ходим меҳнат қилади. Корхонанинг 2024 йилда қабул қилинган жамоа шартномасига назар ташлайдиган бўлсак, бошқа жамоа шартномаларида учрамайдиган талайгина имкониятлар борлигини кўраемиз. Масалан, ходимлар учун белгиланган 21 календарь кун ва иш стажига бериладиган

кўшимча таътидан ташқари ҳар бир ходимга яна 7 календарь кун кўшимча таътил берилади.

— Амалиётда бир ҳолатни кўп қузатаман, — дейди Юнус Ғафуров. — Корхоналарда «Ходимнинг яқин қариндошларидан бири — турмуш ўртоғи, фарзандлари, отаси-онаси, акаси, укаси, сингилиси ёки опаси вафот этганда унга уч кун ижтимоий таътил берилади» деб белгилаб қўйилади. Аммо, Миласиз, аёл киши учун турмуш ўртоғининг қариндошлари ҳам яқинларига айланади. Ҳаётга теран қарайдиган бўлсак, турмуш ўртоғининг яқинларидан бири вафот этганида ҳам аёл ходим ишдан жавоб олишига тўғри келади. Демак, бу бор нарса ва уни жамоа шартномасида акс эттириш лозим. Биз жамоа шартномаси тузилаётганда шу тақлифни билдирдик ва иш берувчи томони бунга тўғри тушуниб, жамоа шартномасига киритди.

Қолаверса, корхона жамоа шартномасига фарзанди биринчи синфга чиққани, ходимнинг ўзи ёки фарзанди никоҳдан ўтгани муносабати билан ҳам моддий ёрдам бериш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, контракт тўлови, уй-жой сотиб олиш, таъмирлаш, маиший техника, автомобиль харид қилиш, тўй-маросимларни ўтказиш, даволаниш учун ҳам ходимнинг ойлик иш ҳақи ҳисобидан бир йиллик муддатдан ўтмаган ҳолда олдиндан қарз бериш мумкинлиги киритилди.

— Ушбу имкониятдан фойдаланаётганлар жуда кўп, — дейди корхона касабани уюшма кўмитаси раиси Аҳмадҷон Ғуломов. — Масалан, ўтган йили ходим Иззатилла Қаҳҳоровга бир пайтда олий ўқув юртидаги ўқишининг шартнома пулини тўлаш ҳамда машинага сотиб олаётгани учун 35 миллион сўм, яна бир ходим Саидазиз Турсуновга яшаш уйини таъмирлаш учун 30 миллион сўм қарз берилди. Бир ой узлуксиз касал бўлган Турсунбой Абдураҳимовга эса касабани уюшма бюджетидан маблағларидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, 7 нафар ёш ходимнинг малакасини ошириш учун иш берувчи ҳисобидан 84 457 400 сўм маблағ сарфланди.

Ишхонани беқорга «иккинчи уй»га менгашмайди. Шундай экан, киши меҳнат қилаётган даргоҳида инсонларнинг бир-бирига ғамхўрлигини, бошига мушкулот тушганида теварак-атрофидагилар ёрдамга шайлигини ҳис қилиши қандай яхши?! Чунки айнан ана шу каби омиллар ишчи-ходимнинг ўз вазифасини янада аъло даражада бажаришга иштиёқини оширади.

Бугун мавзунини ўрганмиш жараёнда англадикки, икки корхонада ҳам ходимлар ҳаёти ва фаолиятида қатор ўзига хос ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Бунда инсонларварлиққа йўғрилган жамоа шартномаларининг қабул қилингани муҳим асос бўлган. Ўз навбатида, ходимлар ҳам жамоа шартномаси бандларининг ижроси амалда таъминлангани боис иш берувчига муносиб меҳнатлари билан жавоб беришга ҳаракат қилишмоқда.



ЗЕБО НАМОЗОВА  
«ISHONCH»

**«Давлат идоралари фуқаролар олдида масъулдир!». Бу тамойил ҳар бир ташкилот вакили зиммасига масъулиятли вазифа юкласа-да, аммо уни унутмаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу эса одамларда айрим идораларга нисбатан ишончсизлик уйғотмоқда. Касабани уюшмаларининг аёллар муаммоси билан ишловчи 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га йўлланган мурожаатлар тақдирини билан қизиқдик.**



Пахтачилик фуқаронинг мурожаати бироз дардли ва аламли. Одатда «Ишонч телефони»га асосан аёллар кўнгиноқ қилишади. Бу галги кўнгиноқ соҳибига эса эркак киши.

Одамни одам бузади, дейишади. Ёмонлар таъсирига тушиб қолган ва эндигина ўн беш ёшни қаршилаётган қиз Х.Ё. тарбияси бузилиб, кўчага чиқиб кетган.

«Ўн беш кундан бери уйга келгани йўқ, кўчаларда дайдиб юрибди», дея куйиниб гапирди қизнинг отаси Х.Р. У фарзандининг хулқи ёмон томонга ўзгаргани ва уни эплай олмаётгани, ўзи эса касалмандлиги боис қизини Самарқанд вилоятидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришни хоҳламоқда. Касабани уюшмаларининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилгач, у тегишли ташкилотга юборилган. Ҳатто 2024 йилнинг 4 декабрь куни ЖИБ Пахтачи тумани судининг қарори асосида қиз Вилоят вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилгани ҳақида хат ҳам келган. Аммо отанинг айтишича, ҳозир қизи хатда ёзилган марказда эмас, аксинча, очқанда «билган ишлари» билан банд экан. Фарзандини йўлга соломлаган отанинг мурожаат қилмаган жойи қолмабди.

Пахтачи тумани ИИБдан келган хатдан биз ҳам ҳайрон қолдик. Қиз очқанда юрибди, уйига келмади. Аммо вояга етмаганлар билан шугулланувчи марказда ҳам эмас...

— Ўтган йили апрель ойида суянган тоғим, ўғлим вафот этди. Балогоат остонасидаги қизим бу йўлга кириб кетди. У ҳамон «кўчада». Ўзим юрак касалига мубтало бўлганман. — дейди кўз ёшлари шашқатор ота. — Ҳеч ким ёрдам бермапти. Биргина умидим касабани уюшмаларидан.

Қизик, ўн беш ёшли қизнинг тақдирини қайғурувчи ташкилот бутун бошли Пахтачида топилмасая-я? Мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти, хотин-қизлар масъуллари қаяққа қарашяпти? Ёшлар ташкилоти-чи?

Хуллас, касабани уюшмалари ёпиқ қозонни ёпиқлигича қолдириш илинжида бўлганлар билан мурожаат бермайди. Инсон кадр-қиммати, шаъни топталар экан, бу ташкилот жим турмайди.

Нурбек ФАХРИДДИНОВ

**КАЛҚАРО ШАРҚ**

**ЯҚИН ШАРҚ ЯНА БИР ЙИРИК ТЎҚНАШУВ САҲНАСИГА АЙЛАНМОҚДА. БУ ЕРДА ДУНЁНИНГ ЙИРИК ДАВЛАТЛАРИ, МИНТАҚАВИЙ КУЧЛАР ВА СТРАТЕГИК ИТТИФОҚЛАР МАНФААТЛАРИ ТЎҚНАШАПТИ.**

Дарҳақиқат, сўнги ойлarda Яқин Шарқ уруш ёқасига келиб қолди: АҚШнинг ҳусийларга зарбалари кучайди, Ғазо секторида вазият ҳамон беқарорлигича қоляпти, Эрон ва Исроил ўртасида кескинлик ортди, Техрон ядровий дастури атрофида дипломатик ўйинлар авж олди. Бундай вазиятда янги можаро юз берадими ёки йўқми, деган саволдан кўра, у қачон ва қай тарзда юз беради, деган саволга жавоб излаш мантақани тўғрироқ бўлади.

Дональд Трамп маъмурияти «кучли босим» стратегиясига амал қилиб, Яман ҳусийларининг Ансоруллоҳ ҳаракатига нисбатан ҳарбий зарбаларни қайтадан бошлади. Расмий сабаб — Қизил денгиздаги йўлларни химоя қилиш бўлса-да, бу Эронга қарши катта ўйиннинг бир қисми, холос. Вашингтон ҳусийларнинг тижоррий кемаларга ҳужумларини бартараф этиш билан бир қаторда, Эрон мавқеини янада заифлаштиришга ва уни ядровий дастур ҳамда минтақавий таъсир масалаларида ён босишга мажбур қилмоқчи.

Лекин Техрон босим остида муроасага келувчи давлат эмас. Мамлакат ичида эса музокара тарафдорлари ва кескин позицияни қўллаб-қувватловчилар ўртасида кураш кучаймоқда. Иқтисодиётда инқироз кўзга ташланяпти, аммо ҳукумат ўз барқарорлигини сақлаб турибди. Исроил эса Эрон ядровий объектиларига эҳтимолий зарба беришга ҳозирлик кўряпти. Вазият Саудия Арабистони ва БАА Вашингтоннинг минтақадаги ҳар бир қадамни диққат билан кузатишга мажбур қиляпти. Чунки АҚШнинг ҳар қандай ҳаракати уларнинг ҳавф-

сизлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Янги можаро остонасида турган Яқин Шарқдаги мазкур тўқнашувлар маҳаллий низолар доирасидан чиқиб, кенг кўламли минтақавий урушга айланиб кетиши мумкин. Ушбу мақолада биз кескинлик ортида турган кучлар, асосий ўйинчилар ва бу можаро жаҳон тартиби учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини мухтаасар таҳлил қилмоқчимиз.

### АҚШ ВА ҲУСИЙЛАР ЎРТАСИДАГИ КЕСКИНЛИК: ДЕНГИЗ САВДСИГА ТАҲДИД ВА МИНТАҚАВИЙ БЕҚАРОРЛИК

Узоқ йиллар давомида Эрон кўмагига таяниб келган Яман ҳусийлари сўнги пайтларда Қизил денгизда халқаро кемаларга ҳужумларни кучайтирди. Табиийки, бу АҚШнинг кескин жавоб ҳаракатларига сабаб бўлди. Америка авиацияси кунчи-кеча ҳусийларнинг асосий объектиларига қақшатқич зарбалар берди. Натижада камиди 53 киши ҳалок бўлди, 100 га яқин одам яраланди.

Дональд Трамп ушбу ҳарбий ҳаракатлар ҳусийлар савдо йўлларига ҳужум қилишни тўхтатмагунча қадрар давом этишини таъкидлаётган бир пайтда, исёнчилар ҳужумларни янада кенгайтириш, жумладан, минтақадаги Америка ҳарбий базаларига зарба бериш билан таҳдид қилляпти.

Вазиятнинг бу тариқа кескинлашуви нафақат Яман, балки бутун Яқин Шарққа ҳавф солади. Ямандаги беқарорлик Саудия Арабистони, БАА ва Форс кўрфазидида бошқа дав-

латларни можаро гирдобига тортиб кетиши мумкин. Қолаверса, минтақада кескинликнинг ортиши нефть бозоридидаги вазиятни издан чиқариб, халқаро иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади.

Яна бир масалани унутмаслик керакки, Қизил денгизнинг ҳусийлар томонидан тўсиб қўйилиши глобал савдони издан чиқариши мумкин, чунки ушбу стратегик денгиз йўли орқали жаҳон товар айланмасининг тахминан 12 фоизи ўтади. АҚШ эса бир ўқ билан икки кувенни уриш истагида: яъни, ҳарбий амалиётлари билан нафақат ҳусийларга, балки Эронга ҳам қақшатқич зарба бермоқчи.

### ЭРОН УРУШ ВА ДИПЛОМАТИЯ ЎРТАСИДА


Ҳозирги инқироз Эрондаги барқарорликни ҳам жиддий синовдан ўтказаяпти. Президент Масъуд Пизишкиён бир неча бор АҚШ билан музокараларга тайёр эканини маълум қилган бўлса-да, олий раҳбар Оятуллоҳ Али Ҳоманай Вашингтон билан ҳар қандай мулоқотни кескин рад этяпти. Эрон раҳбарияти ичида жиддий қарама-қаршилик юзага келмоқда: дипломатик йўл тарафдорларидан бири — вице-президент Мухаммад Жаҳод Зарифнинг лавозимдан кетиши мамлакатда стратегик йўналиш борасидаги ички кураш тобора кескинлашаётганидан дарак беради.

Вашингтон Техронга ядровий дастурни тўхтатиш ва Эрон қўллаб-қувватлаётган гуруҳлардан воз кечиш эвазига иқтисодий имтиёзлар пакетини тақлиф қилмоқда. АҚШ Исло-

## Яқин Шарқда ГЕОСИЁСИЙ КЕСКИНЛИК:

Республикасининг музлатилган активларини эркинлаштириш, санкцияларни бекор қилиш ва Эрон иқтисодиётини модернизациялашда ёрдам беришга тайёр. Бироқ Техрон учун бу





# ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар сўнги йилларда барча соҳаларда жадал ривожланиб, дўстлик ва ҳамкорликнинг мустақам асосини шакллантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойидаги Парижга ташрифи чоғида Президент Эммануэль Макрон Ўзбекистонни Франциянинг муҳим дўсти ва стратегик ҳамкори сифатида эътироф этди. У «Биз Ўзбекистон билан яқин ҳамкорликдан гурурланамиз, чунки бу ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустақамламоқда. Франция Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, биз Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларни, айниқса, болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам берилишига қаратилган тadbирларни қўллаймиз. Ўзбекистоннинг бу борадаги таъбириси кўп давлатларга намуна бўлишига лойиқдир», деди.

Парламентларо алоқаларнинг янги босқичга кўтарилиши ҳам ушбу муносабатларнинг ёрқин мисолидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Франция Республикаси Миллий Ассамблеяси ўртасидаги парламентларо алоқалар сўнги йилларда жадал ривожланиб, икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисмига айланди. 2025 йил 17 февралда Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорига асосан Франция Миллий Ассамблеяси билан парламентларо ҳамкорлик гуруҳи тuzилди. Бу ташаббус Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги парламентларо муносабатларни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Биз Франция билан ҳамкорликда янги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш орқали Амир Темур ва Француз қироли Карл VI ўртасидаги тарихий аънаналарни реал воқеаликка айлантирмоқдамиз».

Қўйида ушбу муносабатларнинг бир қатор жиҳатларини кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

**Биринчидан.** Ўзбекистон Францияни дунёнинг етакчи сиёсий ва иқтисодий кучларидан бири, Европа ишларида муҳим ўрин тутадиган давлат сифатида эътироф этади. Парламентаризм борасида бой таърибага эга Франция билан муносабатлар сўнги йилларда жадал ривожланиб, парламентларо алоқалар, маданий ҳамкорлик ва сиёсий-стратегик шериклик каби йўналишларда ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

Франция Ўзбекистон учун нафақат Европадаги муҳим шерик, балки дунё миқёсида сиёсий ва иқтисодий таъсирга эга давлат сифатида қадрланади. Франциянинг Европа ишларидаги етакчи ўрни Ўзбекистонга Европа Иттифоқи билан муносабатларни янада мустақамлашда муҳим воситачилик ролини бериши мумкин.

**МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР: ЛУВРДАГЎ ЎЗБЕКИСТОН МЕРОСИ**  
Икки давлат ўртасидаги муносабатлар ма-

даний соҳада ҳам ўзининг муҳим натижаларини кўрсатмоқда. Дунёнинг энг машҳур музейларидан бири Луврда «Ўзбекистон оазислари хазиналари. Карвон йўллари чорраҳасида» кўргазмасининг муваффақиятли ўтказилиши Ўзбекистон маданиятининг жаҳон миқёсидаги обрўсини оширди. Ушбу кўргазма Ўзбекистоннинг бой тарихий меросини, қадимги Шарқ цивилизацияларининг дунёга таъсирини намоиш этди. Бу тadbир Франция билан маданий кўприк яратишда муҳим қадам бўлди.

**Иккинчидан.** Бугунги кунда Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирокчи сифатида ўзининг ўрнини мустақамламоқда. Францияни дунёнинг сиёсий ва иқтисодий етакчиларидан бири, деб биладиган Ўзбекистон у билан муносабатларни барча соҳаларда ривожлантирмоқда.

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Франция Миллий Ассамблеяси ўртасидаги парламентларо алоқалар жадал ривожланиб, икки давлат муносабатларининг муҳим устуни сифатида хизмат қилмоқда. Франциянинг бой парламентаризм таърибаси Ўзбекистондаги ислохотлар билан ҳамохан бўлиб, икки томон учун ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон нафақат БМТнинг Барқарор Ривожланиш Мақсадларини қўллаб-қувватламоқда, балки уларни амалга оширишда фаол ташаббуслар кўрсатмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан 2022 йил 14 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларо ролини кучайтириш тўғрисидаги» резолюцияси қабул қилинди. Бу ташаббус Франция парламентчилари томонидан қўллаб-қувватланди, бу эса икки давлат ўртасидаги парламентларо алоқаларнинг глобал аҳамиятга эга эканини кўрсатди.

**Учинчидан.** Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирокчи сифатида ўзини кўрсатмоқда ва Франция билан муносабатларни янги босқичга кўтариш орқали глобал миёнадаги ўз ўрнини мустақамламоқда. Франциянинг демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги узоқ йиллик таърибаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар билан мос келиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка мустақам замин яратмоқда. Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар, янги Конституция ва «Ўзбекистон – 2030» стратегияси мамлакатнинг барқарор ривожланиш йўлидаги қатъий қадамларини акс эттиради.

## ФРАНЦИЯ БИЛАН ЯНГИ ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Франция Ўзбекистон учун муҳим сиёсий ва маданий шерик сифатида намоён бўлмоқда. Франция парламентидаги «Дўстлик гуруҳи» ва Ўзбекистон делегациялари ўртасидаги мулоқотлар нафақат қонунчилик таърибаси алмашинуви, балки иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қув-

ватлашга ҳам ёрдам бермоқда. Масалан, Франциянинг йирик компаниялари Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари ва замонавий агротехнологиялар соҳасида инвестиция киритишга қизиқиш билдирмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг 2030 йилгача «яшил» иқтисодиётга ўтиш режаларига мос келади.

## «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида экологик барқарорлик муҳим устувор йўналиш сифатида белгиланди. «Яшил энергетика» соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида ишга тушган 2,4 гигаваттлик 10 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳисобидан ярим йилликда 1,6 млрд. киловатт «яшил энергия» олинган. Франция билан бу борадаги ҳамкорлик ҳам кучаймоқда: француз экспертлари Ўзбекистонда сув тозалаш иншоотларини модернизация қилишда иштирок этишмоқда.

**Тўртинчидан.** Ўзбекистон бугунги кунда демократик ислохотлар йўлида мустақам қадамлар билан олға интилмоқда ва Франция билан муносабатларни ривожлантириш орқали жаҳон майдонидаги ўрнини янада кучайтирмоқда. Франциянинг демократия ва қонун устуворлиги соҳасидаги таърибаси Ўзбекистон учун муҳим ўрнатки бўлиб хизмат қилмоқда.

## ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ: ЯНГИ ТИЗИМ ВА АЁЛЛАР ИШТИРОКИ

2024 йил октябрда Ўзбекистонда парламент сайловлари тарихда биринчи марта аралаш сайлов тизими – мажоритар ва пропорционал усулларнинг комбинацияси асосида ўтказилди. БМТ тавсияларига мувофиқ, аёл номзодлар учун квота 40 фоизга оширилди, натижада сўнги етти йилда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўлуши 27 фоиздан 35 фоизга етди. Қонунчилик палатасида бу кўрсаткич 32 фоиздан 38 фоизга, маҳаллий Кенгашларда эса 25 фоиздан 32,5 фоизга ошди. Бу кўрсаткич халқро ташкилотлар, хусусан, Европа Кенгаши ва БМТ Аёллар ташкилоти тавсияларига мос келади. Франция парламентидаги гендер тенглиги таърибаси Ўзбекистон учун муҳим илҳом манба бўлди, чунки Францияда аёлларнинг сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида кўп йиллик муваффақиятли амалиёт мавжуд.

**Бешинчидан.** Дунёда иқлим ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурсларнинг камийиши инсоният учун жиддий хавф туғдирмоқда. Ўзбекистон бу муаммоларга қарши курашишни инсон ҳуқуқларининг муҳим қисми, деб билди ва бу йўлда Франция билан ҳамкорликни кучайтирмоқда. Франциянинг 2050 йилга қадар углерод нейтраллигига эришиш орқали Европада биринчи йирик «углеродсиз» иқтисодиётга айланиш мақсади Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

## ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашишда фаол позицияни эгаллаб, Париж келишувига ва Орхус конвенциясига қўшилди. Па-



Акmal САИДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг депутати,  
«Ўзбекистон – Франция» дўстлик  
гуруҳининг раиси

риж келишувига доирасида Ўзбекистон 2030 йилга қадар иссиқхона газлари чиқиндиларини 35 фоизга камайтириш мақсадини қўйди. Орхус конвенцияси эса аҳолининг экологик маълумотлардан хабардор бўлиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилмоқда. Президент ҳузурда ташкил этилган Иқлим кенгаши бу борадаги жараёнларни мувофиқлаштириш ва самарали ечимлар ишлаб чиқиш вазифасини ўз зиммасига олди. Кенгаш 2025 йилда минтақавий ва халқро экспертлар билан биргаликда Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича миллий режасини тасдиқлашни кўзда тутмоқда.

## «ЯШИЛ МАКОН» ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК

2022 йилда бошланган «Яшил макон» умум-миллий ташаббуси Ўзбекистонда экологик барқарорлиқни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу дастур доирасида миллионлаб дарахтлар экилди. Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Минтақавий иқлим стратегияси эса Орол денгизи инкирозининг оқибатларини юмшатиш ва сув ресурсларидан унумли фойдаланишга қаратилган. Франция бу жараёнда технологик ёрдам кўрсатмоқда: француз мутахассислари Оролбўйи худудларда сувни тозалаш ва қайта ишлатиш бўйича пилот лойиҳаларни амалга оширмоқда.

**Олтинчидан.** Ўзбекистонда сўнги йилларда парламентнинг роли сезиларли даражада кучайиб, мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишида муҳим омилига айланди. Франция билан парламентларо алоқалар эса бу жараёнларни янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Франциянинг бой парламентаризм таърибасидан андозалар олишга қизиқиш билдирмоқда.

## ФРАНЦИЯ БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Франция билан парламентларо муносабатларнинг мавжуд даражасини

юқори баҳолайди. Икки давлат парламентларида «Дўстлик гуруҳлари» фаолият юритиб, ўзаро ташрифлар ва музокараларни мунтазам равишда амалга оширмоқда. 2024 йилда Франция Миллий Ассамблеяси вакилларидан иборат делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди ва бу ташриф давомида иқтисодий ҳамкорлик, гендер тенглиги ва экологик сиёсат масалалари муҳокама қилинди. Франциянинг парламент назорати ва қонунчилик таърибаси Ўзбекистон учун муҳим ўрнатки бўлиб, бу таърибани ўзлаштириш мамлакатдаги ислохотларни янада жадаллаштиради.

## ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ

2025 йилда режалаштирилган ўзаро ташрифлар ва «Дўстлик гуруҳлари» фаолияти орқали икки давлат ўртасидаги мулоқот янада мустақамланади. Франция парламенти билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, экологик барқарорлик ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Масалан, Франция таърибасига таяниб, Ўзбекистонда маҳаллий кенгашларнинг ваколатларини янада кенгайтириш бўйича қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу ўзгаришлар Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

**Еттинчидан.** Франция бугунги кунда Европада сунъий интеллект (СИ) соҳасида етакчи давлат ва глобал ҳамкорликнинг муҳим маркази сифатида тан олинмоқда. Ўзбекистон эса СИ технологияларини тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишга хизмат қилувчи восита сифатида кўради ва бу йўлда Франция билан ҳамкорликни кучайтиришга интилмоқда. Ўзбекистонда Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси амалга оширилмоқда ва бу соҳада муҳим қадамлар ташланмоқда.

## ФРАНЦИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК: УМУМИЙ СТАНДАРТЛАР ЯРАТИШ

Ўзбекистон Франция билан СИ соҳасида ҳамкорликни кучайтиришга қизиқиш билдирмоқда ва бу технологияларни ривожлантириш учун умумий ҳуқуқий асос яратишни тақлиф қилмоқда. Бу стандартлар илм-фан ва фуқаролик жамияти иштирокига асосланиб, СИнинг этик ва хавфсиз қўлланишини таъминлайди. Франциянинг СИ борасидаги таърибаси – хусусан, унинг маълумотлар хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш борасидаги ёндашуви – Ўзбекистон учун муҳим ўрнатки бўлиб хизмат қилади.

Хуллас, Ўзбекистон Франция билан муносабатларнинг барча йўналишларида ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр ва бу алоқаларни халқларимизнинг фаровонлигига хизмат қилувчи муҳим омил, деб билди. Очiq мулоқот ва яқин ҳамкорлик орқали икки давлат иқтисодий, маданий, технологик ва экологик соҳаларда мустақам шерикликни йўлга қўймоқда. Франциянинг бой таърибаси ва Ўзбекистоннинг янги имкониятлари бирлашганда, бу дўстлик нафақат икки мамлакат, балки минтақа ва дунё учун янги истиқболлар очади.

# АҚШ, ЭРОН ВА ҲУСИЙЛАР ЯНГИ МОЖАРО ОСТОНАСИДА

шартларни қабул қилиш мағлубиятга тенг. Зеро, ядровий дастур мамлакат миллий хавфсизлигининг асосий унсури ҳисобланади.

Эронга ташқи босимлар кучайиши баро-



барида ички муаммолар ҳам тобора кўпроқ бўй кўрсатаяпти. Иқтисодий инкироз чуқурлашмоқда: инфляция 50 фоиздан ошиб кетди, аҳоли орасида камбағаллик даражаси ортиб бормоқда. Мамлакат раҳбарияти жиддий танлов қаршисида турибди: ё АҚШга ён босиши, ё қатъий сиёсатни давом эттириб, халқ норозилиги кучайиши хавфини назардан қочирмаслиги керак.

## ИСРОИЛ ОМИЛИ: ЭРОНГА ЗАРБА БЕРИЛИШИ МУМКИНИ?

Вазиятни янада таранглаштирувчи омилардан бири Исроил тутган йўлдир. Исроил ташқи ишлар вазири Гидеон Саар Эрон ядровий объектларига зарба бериш зарурлигини очiq-ойдин таъкидлаб келмоқда. Яқинда АҚШ Исроилга катта миқдорда авиация қуролларини, жумладан, Эроннинг ерости ядровий мажмуаларини йўқ қилишга қодир 15 тоннали бомбаларни етказиб берди.

Техрон аҳтимолий таҳдидни ҳисобга олган

ҳолда, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимларини мустақамлаш ва Россия билан ҳарбий ҳамкорликни кучайтиришга киришди. Бу ҳамкорлик доирасида Эрон бир неча Су-35 қирувчи самолётини қабул қилиб олди. Бироқ уларнинг сони Исроил ва АҚШ ҳаво кучлари қудрати билан таққосланадиган даражада эмас.

Одатдагидек, Исроил Эронга нисбатан кескин позицияни эгаллаб, дипломатия унинг ядровий даъволарини тўхтата олмаслигини таъкидлаб келади. Бироқ ҳарбий зарба Техронни жавоб чораларини қўллашга етаклаши, шунингдек, «қаршилиқ ўқи» – ҚАМАС, «Ҳизбуллоҳ» ва ҳусийлар ҳаракатини фаоллаштириши аниқ. Бундай сценарий бутун Яқин Шарқни кенг қўламли ҳарбий тўқнашув гирдобига тортди, глобал хавфсизлик тизимига ҳам жиддий таъсир ўтказиши мумкин.

Бугун Яқин Шарқдаги вазият шундай. Трамп маъмурияти ҳусийларга зарба бериш орқали ўз кучини намоиш этиб, Эронни ён босишга мажбурлаш ҳаракатида. Бироқ Техрон таслим

бўлиш ниятида эмас ва иқтисодий қийинчиликларга қарамай, ўз нуқтаи назарида собит қолмоқда. Ушбу кескинлик ҳақиқий урушга айланиши ҳам ёки мурося йўли билан ҳал этилиши ҳам аҳтимолдан холи эмас. Бу жараёнда Исроил танлайдиган йўл ҳамда Эрондаги ички вазият ҳал қилувчи омилардан бирига айланади. Агар Техрон Америка объектларига жавоб зарбаларини берса, Вашингтон кескин чоралар кўриши, жумладан, Эроннинг муҳим инфратузилмасини йўқ қилиши мумкин. Сиёсий тарихга назар ташласак, ҳаддан ташқари босим кўпинча муросяга эмас, балки кескин қарама-қаршиликка олиб келганига гувоҳ бўлаемиз. Санкциялар ва иқтисодий муаммоларга қарамай, Эрон минтақадаги иттифоқчилар тармоғини сақлаб қолган ва улар орқали вазиятнинг издан чиқариш салоҳиятига эга. Кенг қўламли можааро Форс кўрфазининг беқарорлашиши, нефть нархларининг кескин ошиши, ҳарбий тўқнашувлар авж олиши ва террористик фаолиятнинг кучайиши каби ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ана шундай қалтис шароитда дипломатлар ва жаҳон етакчилари муросяга эришиш йўллариини излашда давом этмоқда. Янги ядровий келишувга эришиш мумкинми? Вашингтон ўз ёндашувини ўзгартирдими? Ёки дунё геосиёсатда куч ишлатиш асосий воситага айланадиган босқичга кир-яптими?



Жаҳонгир НАХОНОВ  
«ISHONCH»

## Эълонлар

«BUSINESS AREA» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ «BUSINESS AREA»), СТИР: 311406627) ўзининг қайта ташкил этилиши ҳақида хабар беради. Қайта ташкил этиш МЧЖ «BUSINESS AREA»нинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона – «TAVAN BOGD NURA» МЧЖ (ХК МЧЖ «TAVAN BOGD NURA»), СТИР: 311344547) тарихига қўшилиши шаклида амалга оширилади.

МЧЖ «BUSINESS AREA»нинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган тартибда ХК МЧЖ «TAVAN BOGD NURA»га ўтади.

Барча соволлар бўйича қўйидаги манзилга муросяат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Улугбек массиви, Нур МФЙ, Ҳамид Олимжон кўчаси, 5-уй.

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, Н.Низов кўчасидаги 8-ва 8-«А»уйлар учун берилган кадастр ҳужжатларини йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Мерос иши очилганини маълум қиламиз.

Агаджанов Владимир Юрьевич 05.11.1974 йилда туғилган онаси Агаджанова Ольга Михайловна 1945 йилда туғилган Отаси Агаджанов Юрий Александрович 1946 йилда туғилган қариндошлар қидирилмоқда!

Барча соволлар учун 93-398-89-61 рақамга муросяат қилинг 71-263-69-55 нотариал идораси.

■ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИГА!

# ВАЗИРЛИК ИШ ЎРНИ ЯРАТМОҚЧИ, АММО...

Uza.uz сайтида эълон қилинган мақолада таъкидланишича, «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ 46,7 минг нафар бизнес эгасининг 51 мингта лойиҳасига 17,7 триллион сўм миқдорда молиявий ёрдам кўрсатган. Натижада 382,8 мингта иш ўрни яратилган. Демак, битта иш ўрни яратишга 46,2 миллион сўм сарфланган.



Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари бир овоздан ушбу харажатлар самарасиз сарфлангани ҳақида бонг уришмоқда. Эътирозларда жон бор, албатта. Умуман, жаҳон стандартлари бўйича бир иш ўрни яратиш ўртача қанча маблағ талаб этади? Яна бир савол: шунча маблағ сарфлаб, яратилган иш ўринларининг муқимлиги, истиқболи ҳақида вазирликда бирон-бир ўрганиш, таҳлил борми?

Имона РАҲИМОВА

Самарқанд вилояти

■ АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ  
ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА!

## ҲОКИМНИНГ ХАБАРИ БОРМИ?

«Ishonch» газетаси таҳририяти 2024 йил давомида Тошкент шаҳар ҳоқимлигига танқидий мавзуларда ўнлаб мақола, саволлар йўллади ва мутасаддилардан муносабат билдиришни сўради. Минг афсуски, уларнинг биронтасига жавоб олмади.



Пойтахт ҳоқимлиги Ахборот хизмати қайси хизматлар учун ташкил этилган? Умуман, Янги Ўзбекистон пойтахти маъмурияти ёпиқлик бўйича энг олдинги сафда эканидан шахсан ҳоқимнинг хабари бормикан?

ТАҲРИРИЯТ

■ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИГА!

## «-45»НИ СОЛИҚЧИЛАР ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШАДИ?

Бизнес-омбудсман эълон қилган рейтингда тадбиркорлик субъектларида давлат назоратини амалга ошириш бўйича тегишли идоралар фаолиятига баҳо берилган. Ачинарлиси, Президентимиз давримизнинг асосий драйвери деб билган тадбиркорлик соҳаси билан ишлашда Давлат солиқ қўмитасининг фаолияти энг паст, аниқроғи, «-45» баллга тенг бўлган.

Бу тадбиркорларнинг солиқчиларга берган баҳоси. Демак, улар қўмитадан мутлақо норози. Хўш, идора раҳбарияти мазкур ҳолатни қандай изоҳлайди?

Рашид КАМОЛОВ

Сирдарё вилояти



# ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР

■ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА!



## ЯНГИ ТАРТИБ КОНСТИТУЦИЯГА ЗИД ЭМАСМИ?

Бугун ижтимоий тармоқларда энг кўп айланаётган мавзу бу – йўл ҳаракати хавфсизлигини бузган ҳайдовчиларга балли тизим орқали қўшимча чора кўриш масаласи. Масалан, бир эълонда балли тизим фақат йўл ҳаракати назоратчи инспектори далолатномаси асосида ҳисоблаб борилади, дейилса, иккинчисиде радарлару камералар аниқлаган қоидабузарликлар ҳам балли тизим эътиборида бўлиши уқтирилмоқда. Ҳолбуки, ҳозирги қонунчиликка кўра, битта қоидабузарлик ёки жиноят учун бир марта жазо тайинланиши керак. Буни баъзи ҳуқуқшунослар ҳам бот-бот такрорлаб, янги тартиб Конституцияга зид эканини айтишмоқда.

Хўш, Конституциявий суд бу масалага қандай қарайди?

Иззат АҚРОМОВ

Тошкент шаҳри

■ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИГА!

## САМАРАДОРЛИКДАН ХОДИМ ҲАМ МАНФААТДОРМИ?

Россиянинг «Мир» – Новости ҳафталиги қўйидаги рақамларни келтирди: давлат думаси депутати Оксана Дмитриеванинг аниқлашича, «Газпром»нинг 4 минг 500 нафар идоравий ходимига 50 миллиард рубль миқдорида маош ҳисобланган. Бу ҳар бир ходимга йилига 11 миллион рублга тўғри келади. Россия Федерацияси Президенти В.Путин топширган декларацияга кўра, ўтган олти йил давомида 67 миллион, аниқроғи, йилига 11 миллион рубль атрофида маош олган.

Маълумот учун: «Газпром»нинг 2023 йилги маълумотларига қараганда, компания қарийб 630 миллиард рубль зарар билан чиққан. 2022 йилга нисбатан тушумлар 22 фоизга камайган. Мутасаддиларга мана шу парадокс ҳолатдан келиб чиқиб савол бермоқчимиз. Хўш, бизда-чи, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ташкилот ва идораларга ойлик маошлар ҳисоблашда қайси мезонларни ҳисобга олмақда? Масалан, қайсидир вазирлик йилни катта самарадорлик билан якунлади. Бу ходимларнинг кейинги йилда юқори маош олишига ижобий туртки бўладими?

Саволга аниқ мисоллар орқали жавоб берсангиз.

Диёр ЭРГАШЕВ

Тошкент вилояти



■ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИГА!

## САВОБНИНГ «ТЎЛОВ»ИНИ ЎЙЛАБ КЎРАРМИЗ...

Муфтий ҳазратлари Нуриддин Холиқназаров яқинда бир йиғилишда жаноза билан боғлиқ 7, 20, 40 каби маросимларни бидъат ўлароқ қоралаб, бунга қарши фатво эълон қилганини кўрдик. Буни халқимиз жуда тўғри қабул қилишига шубҳамиз йўқ. Қолаверса, жаноза ўқиган домлаларга ҳеч қандай тўловлар қилмаслик лозимлиги ҳақидаги гаплар ҳам ўринли ва маъқул. Аммо...

Муфтий ҳазратлари ош маросимлари, айниқса, Тошкентда урф бўлган Амри маъруф мавзулари борасида ҳам фикр билдиришини кутган эдик.

Аслида бу маърузаларнинг моҳиятан мақсади эзгулик, яхшилик уруғини сочишдан иборат. Бу йиғинлардаги маърузалардан асосан ота-она қадри, никоҳнинг муқаддаслиги, ҳалоллик каби мавзуларда бўлади. Демак, бундай чиқишларнинг савоб ва ажрлари беҳисоб. Балки мазкур масалани ҳам кўтариш ва айни «хизмат»лар учун домлаларимизга «тўлов» қилишига қарши фатво бериш керакдир...

Аҳаджон НЕЪМАТОВ

Тошкент шаҳри

Азиз газетхон!  
**Мароқли дам олинг!**



Озodbек Назарбеков ижросида  
«БОШДА ҲАВОДУР» қўшиғи

Сочию қошию кўзидин боишда ҳаводур,  
Не боишда ҳаво – ҳар бириси боишқа балодур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур газали

MUASSIS:



ISSN 2030-5009  
2007-йил 11-январда  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
- Ulug'bek JALMENOVI,
- Anvar ABDUMUXTOROV,
- Sayfullo AHMEDOV,
- Akmal SAIDOV,
- Ravshan BEDILOV,
- Qutlimurot SOBIROV,
- Suhrab RAFIQOV,
- Shoqosim SHOISLOMOV,
- Hamidulla PIRIMQULOV,
- Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
- Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
- Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
- Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

- Bo'limlar:**
- Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
  - Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
  - Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
  - Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
  - Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**

- Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
- Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
- Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
- Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
- Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
- Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
- Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
- Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
- Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
- Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
- Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
- Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
- Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Navbatchi muharrir:**

A. Haydarov

**Musahihlar:**

D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova

**Sahifalovchi:**

H. Abdullilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:20

Topshirildi – 00:40

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manziliimiz:**

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi**

32 463 ta

**Shundan:**

6 275 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 277 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 914 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning etkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

Buyurtma G-311

1 2 3 4 5 6